



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 30 январь, № 20 (7250)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ИҚТИСОДИЁТНИ ВА ВАЛЮТА БӨЗОРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ НАТИЖАДОРЛИГИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 январь куни валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда қайд этилганидек, иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлар фаолияти учун катта тўсиқ бўлиб келган валютани эркин сотиб олиш ва сотиш борасидаги чеклов ва муаммолар бартараф этилди. Эътиборлиси шундаки, олдинги йилларда экспорт тушумлари бўйича мажбурий сотув талаби бор пайтда экспортдан тушган валюта тушумларининг ички бозорга ишлатилиши 30 фоизни ташкил этган бўлса, бундай чеклов ва талаблар олиб ташланганидан кейин ушбу кўрсаткич 61 фоизга етди. Бунинг натижасида ташкилотлар ўзлари учун зарур хом ашё ва асбоб-ускуналарни харид қилиш, жорий ва инвестиция эҳтиёжларини қоплаш имкониятига эга бўлди, шунингдек, ўтган йили саноат ҳажми 14,4 фоиз, экспорт тушуми 19 фоиз ўсди ва экспортёрларнинг банкларга сотган валютаси миқдори 1,9 баробар ошишига эришилди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётига хоржий инвестицияларни жалб қилиш, рақобатбардош ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш иқтисодиёт соҳасидаги муҳим вазифалардан эканини таъкидлаган эди. Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Валюта захираларимиздан оқилона фойдаланиш, ушбу захирани бошқаришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, олтин-валюта захиралари таркибини оптимallasштириш, валюталарни сақлашда халқаро тажриба асосида қиммат-

ли қозғолар, жумладан, юқори ликвидли облигациялардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Валюта тушумлари ва олтин-валюта захираларининг кўпайишини таъминлашда энг оптимал йўл экспорт салоҳиятини оширишдир. Шунинг учун бу йил экспорт прогнозлари ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўпроқ қилиб белгиланган. Лекин айрим ҳўжалик юритувчи субъектларда ханузгача экспорт тушуми бўйича мuddати ўтган қарздорликлар мавжудлиги қайд этилди. Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир ҳўжалик бирлашмаси кесимида экспорт бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорликни камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди. Халқаро экспертлар фикрига кўра, иқтисодиёт эркинлашган ва

инвестициялар фаоллашган шароитда ташқи савдо айланмасини ўзгаришлар бўлиши табиий ҳолат. Президент эркин сотиб олинган валюта иқтисодиётимизнинг эртанги ривожланиш мақсадларига хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Президент эркин сотиб олинган валюта иқтисодиётимизнинг эртанги ривожланиш мақсадларига хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Президент эркин сотиб олинган валюта иқтисодиётимизнинг эртанги ривожланиш мақсадларига хизмат қилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

тарифларнинг маҳаллий ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганиб, амалдаги тарифларни янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Йиғилишда етакчи корхона ва ташкилотлар бўйича экспорт тушумлари танқидий таҳлил қилиниб, бу борадаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, жумладан, етакчи экспортёр корхоналарнинг экспорт тушумларини кўпайтириш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Бу борада нисбий устуворликка эга бўлган соҳаларни аниқлаб олиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича концепция ва йўл хариталари ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАШҚИ САВДО СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда инвестиция иқлимни яхшилаш, экспорт салоҳиятини ошириш, бизнесни жадал ривожлантириш учун асос сифатида инвестиция ва ташқи савдо фаолиятини самарали тартибга солиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, инвестиция жараёнининг мақсулоти ташқи бозорларда илгари суриш яқиний кўрсаткичлари билан сўз боғланганлиги сақланиб қолмоқда. Давлат бошқарувининг амалдаги тизими инвестиция ва савдо масалаларини алоҳида тартибга солишга асосланган, бу эса мазкур соҳаларда ташқилик-ҳўқуқий механизмларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Республиканинг инвестиция салоҳиятини ошириш, иқтисодиётнинг устувор соҳа ва тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция киритиш жараёнининг рақобатбардош экспортга мўлжалланган мақсулотларни ишлаб чиқариш билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва иқтисодий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида бел-

гиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида: 1. Қуйидагилар инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари этиб ҳисоблансин: **Биринчи** — рақобатбардош экспортга мўлжалланган мақсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий ва хоржий тадбиркорларга Ўзбекистоннинг устувор соҳа, тармоқ ва худудларига инвестиция киритиш учун қулай инвестиция иқлими ва рағбатларни яратиш, шунингдек, ҳар бир давлат органи томонидан инвестицияларни фаол жалб қилиш ва савдонини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши; **Иккинчи** — мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини ҳал қилиш учун давлат молиявий воситалари, халқаро молия институтлари ва хоржий ҳўкумат молия ташкилотларининг қарз ресурслари ва техник кўмаклаштириш воситалари (грантларидан) фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берувчи марказлашган инвестицияларнинг бошқарув тизимини яратиш;

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги "Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5643-сонли Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, чет эл инвестициялари кенг жалб этилишини таъминлаш ҳамда республика ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида: 1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳузурда: Идоралараро божхона-тариф кенгашини тугатган ҳолда **Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши**, чет эл инвесторларини маълумотлар билан таъминлаш ва ҳўқуқий кўмак бериш, шунингдек, юзага келган муаммоларни ҳал этиш, зарурий ҳўжатларни расмийлаштириш бўйича уларга хизмат кўрсатиш учун **Хоржий инвестицияларни жалб этиш агентлиги**; маҳаллий хом ашё негизда юқори қўшилган қийматли рақобатбардош мақсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун илгор хоржий технологияларни излаб топиш, жалб

(Давоми 3-бетда).

## ХОРИЖЛИКЛАР ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМИ ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Хориж оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз сайёҳлик соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида кўплаб мақола, кўрсатув ва радиосиёҳатчилик берилмоқда. Бу ҳам чет эллик туристларда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиш ошишига катта туртки бўляпти.



Биргина Россиядан 2018 йилда юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони уч баробар ортгани бунга мисолдир.



"Интерфакс" ахборот агентлиги муҳбирларининг ёзишича, республикада сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва миллий туристик мақсулотларни хорижда тарғиб қилиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Ўзбекистоннинг барча вилоят ва шаҳарлари ўзига хос сайёҳлик салоҳиятига эга бўлиб, бугунги кунда улар ҳам ўз имкониятларини чет элда намойиш этишларига шароит бор. Божхона ва паспорт назорати тизимининг энгиллаштирилиши эса меҳмонлар учун қулайлик яратган яна бир муҳим воқеа бўлди.

Туризм бўйича эксперт ва таниқли блогер Мария Науменко бу борадаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, сўнгги вақтда республика юритаётган очиклик сиёсати туризм соҳасида ҳам ўз акс садосини бераётганини эътироф этади. Миллий авиакомпания фаолиятининг такомиллаштирилиши натижасида йўловчилар учун кўплаб қулайликлар яратилди. Борт менюси янгиланиб, йўловчиларнинг парвози қулай ва мазмунли бўлиши таъминланди. Самарқанд, Бухоро ва Хиуа — аънавий туризм марказлари бўлиб, мамлакат бошқа шаҳарларга ҳам сайёҳларни жалб қилиш учун чора-тадбирларни амалга оширмоқда, дейди мутахассис.



Япониянинг нуфузли "The Japan Times" газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистоннинг узок мuddатга мўлжалланган ва кенг миқёсда дунё сайёҳлик бозоридаги "ўйин қоидалари"ни ўзгартириб, сайёҳлар оқимини Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси томон буриб юбориши мумкинлиги таъкидланади. "Бу ижобий тенденциядир. Зеро, улкан имкониятларга қарамай, республикага сайёҳлар оқими кўнгилдагидек эмасди. Энди ушбу вазият кескин ўзгарди. Япониядан Ўзбекистонга бўладиган рейсларга сайёҳлар бир ой олдин чипта буюртма қилишга мажбур. Зеро, барча самолётлар йўловчилар билан тўла: японлар оилалари билан ўзбек заминига саёҳат қилишмоқда. Нафақат Токио, балки Япониянинг бошқа шаҳарлари иккитлари ҳам Самарқанднинг Регистони, Хиванинг Учкал қалъаси, Бухоро Арқини кўриш истагиди", деб ёзилади газетда.



"Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 45 мамла-



## THE STRAITS TIMES

Малайзиянинг "The Straits Times" газетаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон зиёрат туризми имкониятларидан тўла фойдаланмоқда.

Жорий йил февраль ойда республикада туризмнинг мазкур йўналишига бағишланган халқаро форум ўтказилиб, бу орқали Ўзбекистонга бўлган қизиқиш янада ортиши кутилалаётди. Малайзиялик журналистларнинг қайд этишича, ўзбек заминидagi муқаддас қадамжолар нафақат сайёҳлик соҳасининг янада ривожланишига, балки ислом маданияти тарғиботига хизмат қилади. "Диний ва маънавий меросни сақлаш, мавжуд фондларни бо-

йитиб бориш, тарихий манбалар билан ишлаш учун маҳаллий ҳамда хоржий тадқиқотчиларга зарур шароитлар яратилди. Мамлакатда қадимги қўлёзма-лар, литография китоблари, тарихий ҳўжатлар, илмий ва диний мактабларга оид қадимги меросни ўрганиш янада самарали йўлга қўйилди. Диншунослик бўйича олим ва мутахассислар учун кейинги манзил Ўзбекистондир".

АҚШнинг "Lonely Planet" журналида сайёҳларга эндиликда Ўзбекистонга визасиз саёҳат қилиш мумкинлиги эслатиб ўтилади.

кат вакиллари, шу жумладан, кўплаб Европа давлатлари, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва Мўғулистон фуқаролари учун эндиликда виза керак эмас. Бундан олдинроқ Германия фуқаролари

учун визалар бекор қилинган эди. Ушбу янгилик Ўзбекистон Президенти олиб бораётган очиклик сиёсатининг мантйқий давоми бўлди. Шавкат Мирзиёев ўзини прогрессив етакчи сифатида

намоён этиб, мамлакатнинг халқаро алоқаларини кучайтириш, уларга янгича руҳ бағишлашга интилоқда", дейилади журналда. **Анвар МИРЗАЕВ** («Халқ сўзи») тайёрлади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ўтган икки йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор вазифаларини бажариш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ислохотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, асосий иқтисодий-иқтисодий параметрлар ва Давлат бюджетининг ижроси учун уларнинг масъулиятини ошириш таъминланмоқда.

Иқтисодиётда давлатнинг иштирокини кискратиришга, давлат-хусусий шериклик принципларини ривожлантиришга, инвестиция сиёсатини фаоллаштиришга, экспорт салоҳиятини ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга йўналтирилган бир қатор комплекс дастурлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳадаги қайта ўзгартиришлар диққат-эътибор марказида турибди. Айниқса, қишлоқ жойларда ва чекка худудларда аҳолининг ўй-жой-майиш шароитларини яхшилаш, комплекс инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижроси таъминланмоқда. Қўрилатган чора-тадбирлар республика аҳолиси турли тоифаларининг моддий фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати ошишига муайян даражада кўмаклашди. Шу билан бирга, мамлакатни янада жадал ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг амалдаги ёндашувлари ва иш усулларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини, унинг фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги ва инновацион усулларини жорий этишни, давлат сиёсати амалга оширилиши ва бириктирилган соҳаларда аниқ натижаларга эришиш учун идоралар раҳбарларининг мустақиллигини ошириши тақозо этади. Ҳўкуматнинг ташкилий-штат тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш, ҳўжатлар экспертизаси тартиботларини жиддий равишда соддалаштириш, қарорлар қабул қилишнинг тезкорлигини таъминлаш, чет элда кенг қўлланиладиган аниқ кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларга асосланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲўКУМАТИ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги "Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5644-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Ҳўкумат) **ижро этувчи тузилмасида**: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий соҳа комплекслари раҳбарлари лавозимлари, шунингдек, уларнинг аппаратлари (котибият); Макроиқтисодий таҳлил ва прогнослаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари йўлбошчи департаменти; мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекслари, тармоқлари ва соҳалари бўйича ахборот-таҳлил департаментлари тугатилсин. 2. **Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига**: Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирини; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазирини; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилги-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилсин.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Хукумат ишини ташкил этишни тубдан такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият органларининг замонавий талабларга жавоб берадиган сифат жиҳатидан янги тизимини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгилاب берилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий исплохотлар концепциясига мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг шахсан эътибори мавжуд камчиликларнинг қатъиятлик билан бартараф этилиши зарурлигига, **“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган асосий принцип ўз вақтида, аник ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишига қаратилсин.

2. Қўйидагилар **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси/Хукумат)** фаолиятини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали ва натижали ижро этилишида Хукумат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият бошқа органлари раҳбарлари, барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий роли ва масъулиятини ошириш;

идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аник тизимини жорий этиш орқали вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бириктирилган соҳада давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилишида, шу жумладан, молиявий ресурсларни бошқариш масалаларида мустақиллигини ошириш;

аниқ кўрсаткичларга ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини баҳолашнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани стратегик ривожлантиришнинг тарққа, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган дастурларини амалга ошириш сифати ва самарадорлигини таъминлаш;

худудларни, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманлари ва шаҳарларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини самарали ҳал этиш бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ва ҳужжатлари ижросини тизимли ва амалий назорат қилишни такомиллаштириш;

давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштироки тартиби ва даражасини аник регламентлаш орқали иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир қўраштини янада қисқартириш ва бошқаруving бозор механизмларини кенгайтириш, “хўбидна иқтисодиёт”нинг олдини олиш, пасайтириш ва тизимли қарши курашиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

комплекслар, Бош вазир ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, энг аввало, унинг асосий бўғини — ахборот-таҳлил департаментлари тузилмасини такомиллаштириш ва ихчамлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизаси сифатини яхшилаш, ижро интизмоси даражасини ошириш, кўп сонли йигилишлар, ортиқча ёзишмалар ва самарасиз хизмат сафарилари амалиётига чек қўйиш; ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавжуд муаммоларнинг сабаблари ва шароитларини бартараф этишга, ишни ташкил этишнинг замонавий усулларини жорий этишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қайта йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини хусусий субъектларга бериш орқали ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш;

давлат бошқарувини номарказлаштириш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш, марказий ва ўрта бўғин бошқарув ҳодимлари сонини ихчамлаштириш орқали бошқаруvingнинг вертикал тизими механизмларини ва ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш.

3. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари лавозимларига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланиши;**

**барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари фаолиятини аник кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларга, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳаларни стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган дастурлари амалга оширилиши сифати ва самарадорлигига асосланган ҳолда боҳолаш;**

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бошқарув ҳодимларининг чекланган сони **178 нафар** бўлган ижро этувчи тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига масалаларни тартибга солиш ва устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ҳодимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.
Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов бир ҳафта мuddатда масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлари бириктирган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бўлинмалари тузилмасини келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирни Хукумат олдига қўйилган **мақсадли вазифаларга эришини таъминлаш мақсадида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолиятини умумий мувофиқлаштиради**, юзага келган келишмовчиликлар бўйича келишилган қарорлар қабул қилади;

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари** вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, парламент ва депутат сўровлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши **мониторингини олиб боради**, шунингдек, жойларда ишларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан комплекс тақлифлар ишлаб чиқади. **Бунда юкланган вазифаларни ҳал этишда уларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди**;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари улар ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга тақлифларнинг пухта ишлаб чиқилишини, экспертизадан ўтказилишини ва тайёрланишини таъминлайди, шунингдек, ушбу масалалар учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

аниқ соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган исплохотлари ўрганиш мақсадида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат бошқаруви худудий органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида худудларда **Хукуматнинг мавзули сайёр (очик) мажлисларини тизимли асосда ўтказиш** тартиби жорий этилсин.
Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари лавозимларига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш ва маъқуллаш жараёнида улар **Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасида ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режаларини тақдим этидалар**;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Хукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади**.

4. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов қуйидаги тартиб ва механизмларга доир аник тақлифларни пухта ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларини, вазирлар ва давлат қўмиталари раисларини фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан маъқулланганидан кейин тайинлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир томонидан Хукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга давлат дастури амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;

барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари фаолиятини аник кўрсаткичларга эришишга ва мақсадли индикаторларга, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа соҳаларни стратегик ривожлантиришнинг яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган дастурлари амалга оширилиши сифати ва самарадорлигига асосланган ҳолда баҳолаш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчилари, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг аъзолари ҳисобланадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий исплохотлар концепциясини амалга ошириш доирасида **давлат бошқаруvingнинг 93 та органи ислоҳ қилинганлиги, шу жумладан, 77 та вазирлик, 9 идора қайта ташкил этилганлиги, 7 таси тугатилганлиги, 9 таси янгидан ташкил этилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий исплохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия раиси А. Н. Арипов **қуйидагиларга алоҳида эътибор берган ҳолда**, 2019 йил 1 майга қадар **вазирликлар, давлат қўмиталари, Хукумат тузилмасига кирувчи идоралар ҳамда ҳўжалик бошқаруви органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини** назарда тутувчи тақлифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатларини, уларни амалга ошириш механизмларини ва ваколатли шахслар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳокимликларнинг жавобгарлиги соҳаларини белгилаш ва аник чегаралаш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини таъминлаш;

давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва тамойилларини, шу жумладан, “ракамли иқтисодиёт” тамойилини, инновацион гоиялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш;

давлат бошқаруви органлари, жойларда ижро этувчи ҳокимият органлари ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш, ушбу йўналишда давлат-хусусий шериклик асосларини фаол жорий этиш ва илгор хорижий тажрибадан фойдаланиш;

профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, бюрократия, қозғозбозлик ва кўп сонли ййгилишларга чек қўйишнинг амалий механизмларини жорий этиш, шунингдек,

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

суистеъмолчилик фактларига ва бошқа салбий ҳолатларга қарши курашиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда уч ой мuddатда:
а) янги таҳрирдаги **“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини киритсин, шу жумладан, унда қуйидагилар назарда тутилсин:
Хукуматнинг ваколатларини, уларни амалга ошириш механизмларини аник тартибга солиш ва иқтисодий, молиявий, пул-кредит, инвестиция, ижтимоий, маданий-гуманитар, таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, экология ва бошқа соҳаларда ҳамда жорий вазиятни комплекс таҳлил қилиш асосида ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятда чуқур ва таркибий қайта ўзгартиришлар амалга оширилиши ва яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболда уларни стратегик ривожлантириш моделлари ишлаб чиқилиши учун унинг масъулиятини ошириш;

Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг ваколатларини ва уларнинг жавобгарлигини белгилаш;
Хукуматнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳарбийлаштирилган тузилмалар, нодавлат нотариот ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини ўтказиш, уларнинг яқунлари бўйича қарорлар қабул қилиш регламенти, шунингдек, мажлисларни ўтказиш давомида кўриб чиқиладиган аник масалалар рўйхатини белгилаш;

Хукумат аъзоларини ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати ҳодимларини моддий ва ижтимоий таъминлаш масалалари;

б) **“Стратегик режалаштириш тўғрисида”**ги қрун лойиҳасини киритсин, шу жумладан, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришни назарда тутувчи **яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган** комплекс дастурларни (кейинги ўринларда — ривожлантириш комплекс дастурлари) ишлаб чиқиш механизмлари ва тартиби;

ривожлантиришнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки ва ўзаро ҳамкорлиги, уларни таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш ва пировард ижросини ташкил этиш;

қабул қилинган ривожланишнинг комплекс дастурларини ҳар йили қайта кўриб чиқилишини, кейинчалик уларга глобал ва минтақавий ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгариши ҳисобга олинган ҳолда тузатишлар киритилишини назарда тутувчи маъзур дастурларни таҳлил қилишнинг самарали механизмини жорий этиш;

в) қуйидагиларни:

давлат бошқаруви ва ижро этувчи ҳокимият органлари тизимини янада ихчамлаштириши;

хусусий секторга берилаётган давлат органлари функцияларининг аник рўйхатини тасдиқлаш, бунда ушбу соҳада ишларнинг ҳолатини пухта таҳловдан ўтказган ҳолда ҳамда берилаётган функцияларнинг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этишни;

иқтисодий жараёнларда давлатнинг иштирокини тубдан қисқартиришни назарда тутувчи тақлифлар киритсин;
г) вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини меҳнат натижалари, бажариладиган меҳнат функцияларининг мураккаблиги ва жавобгарлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда такомиллаштиришни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори** лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида баён қилинган топшириқларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш юзасидан яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўлжалланган мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари бўйича концепциялар, дастурлар ва “йўл хариталари” амалга оширилиши назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”га амалга оширишга оид Давлат дастурини амалга оширишда қуйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

**биринчи**, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясини, тегишли тармоқ ва худудий комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан тасдиқланган устувор дастурларни самарали амалга ошириш;

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ДОИР БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**иккинчи**, асосий халқаро рейтинглар ва индексларда Ўзбекистон Республикаси маквени яхшилаб бўйича Хукумат, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари иш самарадорлигини ошириш соҳасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**учинчи**, ҳар томонлама асосланган ўрта мuddатли истиқболга мўлжалланган **Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати стратегиясини** пухта тайёрлаш, хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш механизмлари ва кафолатларини янада аҳолининг реал даромадларини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, илгор инновацион гоиялар ва технологиялар асосида таълим ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш;

**тўртинчи**, “халқ билан мулоқот” амалиётини такомиллаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти ҳамда Хукумат аъзоларининг жойлардаги шахсий учрашувлари асосида қуйидагиларни кафолатлайдиган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш:

ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан, бандликни таъминлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, илгор инновацион гоиялар ва технологиялар асосида таълим ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш;

маданият, спорт ва туризм соҳаларида аник чора-тадбирларни фаоллаштириш, ёшлар билан ишлаш бўйича давлат дастурининг амалга оширилишига тузатишлар киритиш;
аҳолини, шу жумладан, реновация асосида замонавий ва арзон уй-жой, шунингдек, ишончли транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
**бешинчи**, хорижий мамлакатларга юқори ва олий даражалардаги таширфлар яқунлари ҳамда халқаро иқтисодий ва молиявий институтларда эришилган ахдлашувлар бўйича тасдиқланган “йўл хариталари”нинг амалга оширилишини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарларининг эътибори тегишли вазирликлар, идоралар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа органларининг биринчи раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимларига муносиб, ўз ишари пухта биладиган ва замонавий фикрлайдиган номзодларни танлашга доир кадрлар билан ишланиннг сусайтирилишига йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар:

тегишли давлат бошқаруви органлари Раҳбарларининг бўш лавозимларига, ушбу лавозимларга хотин-қизларни тавсия этишга алоҳида эътибор берган ҳолда, тайинлаш учун номзодлар захирасини пухта ишлаб чиқсин, асосласин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этсин;

масъул лавозимларга хорижда яшаётган ватандошлар ва хорижий мутахассислар орасидан тажрибали менежерларни тайинлаш амалиётини кенг жорий этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишига доир ишларни самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, улар амалга оширилиши тўғрисида мунтазам равишда ахборот киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, шу жумладан, Хукумат фаолиятини ташкил этишни, унинг ташкилий-штат тузилмасини тасдиқлашни, Вазирлар Маҳкамаси аппарати иши самарадорлиги ва натижадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини киритсин.

Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Маъзур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b>
Тошкент шаҳри, 2019 йил 28 январь	
<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b>
Тошкент шаҳри, 2019 йил 28 январь	

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, ҳал этиладиган муаммолар муҳокамасига ва Хукумат фаолиятини баҳолашга жамоатчиликни жалб қилиш;

д) Вазирлар Маҳкамаси аппарати тўғрисидаги, унинг барча бўлинмалари функциялари, ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини батафсил белгилаб берувчи низомни ишлаб чиқиш;

е) Хукумат фаолияти соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда фуқаролик жамяяти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тақлифларни келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш;

ж) бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси аппаратини иқтисодиёт, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ваз



# ЎЗБЕКИСТОНДА ШҲТНИНГ ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ



"Юракдан юракка етиб борадиган дипломатия". Одатда халқ дипломатияси хусусида гап кетганда, унга худди шу таърифни беришади. Бу бежиз эмас. Расмий баёнотлардан холи, кўзлардаги кувонч, бир-бирига яхшилик истаган кўнгиллар ва инсонлар туйғули айнан халқ дипломатияси сўнги йилларда халқаро алоқаларнинг муҳим институти сифатида юқори баҳоланяпти.

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази иш бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган брифингда Олий Мажлис палаталари, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари,

дипломатик корпус ва мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Янги тузилма зиммасига қатор долзарб вазифалар юкланяпти. ШҲТ мамлакатлари билан маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари ўртасида дўстона ҳамкорликни кучайтириш, делегацияларнинг ўзаро ташрифларини уюштириш каби тадбирлар марказ фаолиятини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси"да белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, йил давомида фестиваллар, ярмаркалар, фольклор, халқ ҳунармандчилиги ва ижодиёти кўргазмаларини ташкил этиш режалаштириляпти.



Содиқ ИМОМИЙ, Тожикистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Марказни ташкил этиш ташаббуси Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан ўз вақтида ва ўз ўрнида илгари сурилган жуда муҳим қадамдир. Фуқаролик жамияти институтларини ШҲТдаги жараёнлар ва унинг доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижросига кенг жалб қилиш ўзаро салоҳиятимизни янада юксалтириш ва самарали ҳамкорлик учун янги уфқларни очиш имконини беради. Айниқса, давлатлараро аёллар, ёшлар ташкилотлари, халқ ижодий жамоалари ва бошқа ижодий гуруҳлар ўртасида алоқаларни ривожлантириш халқларимизни янада яқинлаштириш билан бирга, яқдиллик, тинчлик, тараққиёт учун ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Раҳматулла НАЗАРОВ, Ўзбекистон ШҲТ Халқ дипломатияси маркази директори, сенатор:



— Жуда қисқа вақт мобайнида ШҲТ халқаро муносабатларда муҳим роль ўйнайдиган ташкилотга айланди. Бугунги кунда кузатувчи давлатлар билан қўшиб айтилган бўлса, тузилма 18 та давлатни ҳамкорлик асосида бирлаштиради.

Юртимизда ШҲТ Халқ дипломатияси марказини ташкил этиш ташаббуси илк бор Президентимиз томонидан 2017 йилда Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммити доирасида илгари сурилган эди. Ҳозир республика миқёсида кенг қўллаб-қувватланди ва қатор давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқалар кўмитаси, Ташқи ишлар, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси нодавлат нотижорат ташкилоти кўринишидаги Марказни таъсис этиш ташаббусини илгари суришди.

Президентимизнинг Марказни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори янги ташкил қилинган тузилма учун жиддий кўмак бўлди. Биз ўз олдимиизга қўйилган мақсадларимизга эришишда ҳамкорларимиз учун очкичимиз ва кўпга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш устида иш бошлаганимиз.

Содиқ САФОЕВ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:



— ШҲТ асримизнинг тенгдошидир. У аъзо давлатлар ва халқларнинг тинчликни асраб-авайлаш, ўзаро ҳамкорликни кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида йилдан-йилга кучайиб, кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Биргина факт: ШҲТ худудида йирик давлатлараро низолар қайд этилмаганининг ўзи ҳам унинг нуфузи ва минтақа давлатлари учун аҳамияти нақадар юксак эканидан далолат беради.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ШҲТ фаолияти муваффақиятининг асосий шартини — халқлар ўртасидаги ишончнинг мустаҳкамланиши, ўзаро манфаатларни инобатга олиш, тенг ҳуқуқлиликни таъминлашдан иборат. Бунинг учун халқ дипломатиясини ривожлантириш энг мақбул йўлдир. Ишончнинг қилини, Марказ жамоатчилик, парламентлар, умуман, ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқишда қулай макон бўлиб хизмат қилади. Халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш сари давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам мутасил равишда мустаҳкамланиб боради.

Владимир ТЮРДЕНЕВ, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Бу тузилма ШҲТ миқёсидаги ягона марказ бўлиб, аввало, халқларимизни ўзаро яқинлаштиришга хизмат қилади. Марказ томонидан 2019 йил учун "Йўл харитаси" ишлаб чиқилгани ва муҳим вазифалар белги-лангани унинг халқаро ҳаётга жиддий қадамлар ва аниқ мақсадлар билан кириб келаётганидан далолат беради. Демак, халқларимизнинг маданияти, бой тарихи, турли анъаналари ҳақидаги қизиқарли материаллар кўпайди.

Бугунги кунда бугун дунёда халқ дипломатиясининг роли ортиб борапти. Турли маданиятлар ва тараққиётлар вакиллари бир-бирларини яқиндан тушуниш ҳамда ўрганишга интиломда. Марказ бу борадаги тадбирларни янги босқичга кўтариб, янада жонлантиради, деган умиддаман.

Винод КУМАР, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Ҳиндистон ШҲТга аъзо барча давлатлар билан маданий ва академик алоқаларни йўлга қўйган. 2019 йилда Махатма Гандининг 150 йиллигини кенг нишонлаш устида иш олиб бораёмиз. ШҲТ давлатларида ҳам сана муносабати билан қатор фестиваллар ўтказиб режалаштирилган.

Ўтган йилнинг июнь ойида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифи мувофиқи, ШҲТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинганини юқори баҳолаймиз. Унинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича БМТ конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳақидаги ташаббусини ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Марказ бу борадаги амалий иштироқларимизни бирлаштиришга катта ёрдам беради, деб умид қиламан.

Тақдиримиз давомида Халқ дипломатияси маркази ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Янги лойиҳалар ва ташаббусларга старт берилди.

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири. Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

## ЯХШИЛАР ХОТИРАСИ БАРҲАЁТДИР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 81 йиллигига бағишланган тантанали кеча ташкил этилди.

Ислом Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, маънавий тарғиботчилари, марҳумнинг дўстлари, шоғирдлари, ижодкорлар, профессорлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ва бошқалар давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ислом Каримов хотирасини абадийлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари хусусида сўз юритди. Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, камтарлиги, халқимиз манфаатлари

йўлида амалга оширган бу юк хизматлари эътироф этилди. — Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қайта тикланган тарихий обидалар, улғу аждодларимизнинг қадамжолари, барпо этилган сарой ва мажмуалар мамлакатимиз юксак маънавият, бой ҳамда бетакрор маданият хазинаси эканлигидан далолат беради, — дейди ёдгорлик мажмуаси мудири Ваҳоб Қўчқоров. — У бутун умрини Ватан ва миллатга бағишлаган фидойи инсон эди. Фидойилиги боис халқ хотирасида ўчмас из қолдириди. Тадбир давомида янраган куй-қўшиқлар йиғилганларга хушқайфият бағишлади.

Гулноза БОБОЕВА, ЎЗА мухбири.

## Семинар Давлат-хусусий шериклик: ХАЛҚАРО ТАЖРИБАГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги томонидан Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда семинар бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклигининг ўзига хос хусусиятлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, давлат-хусусий шериклик таъмоили жамият инфратузилмасини ривожлантиришни самарали усулларидан бири ҳисобланади. Чунки бу жараёнда хусусий сектор вакиллари инфратузилма объектларини лойиҳалаштиришдан тортиб, фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишда ҳам фаол иштирок этади. Шу боис уни фан-техника, тиббиёт, таълим, транспорт хизматлари, йўлсозлик, умуман, қўллаб соҳаларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мазкур усулга катта эътибор қара-

тилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, ушбу йўналишда Халқаро молия корпорацияси Навоий вилоятида кўёш электр станцияларини бошқаришда тажриба тариқасида иш бошлагани, янги вақт ичида гемодиализ тизимига инвестиция жалб қилиниши мўлжалланаётгани бунга мисол бўла олади. Тадбирда шулар хусусида фикр билдириш баробарида, Туркия, Қирғизистон, Грузия каби давлатлар тажрибаси хусусида маълумот берилди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳақимов сўзга чикди.

Д. ЖУМАБОВЕВ.

# Бир қучоқ гул

Бир кунга бир гуруҳ шоира қизлар — шоғирдлари йўқлаб Ҳалима Худойбердиеванинг уйига боришган эди. — Кўча дарвозаси кўнгирак тугмасини босганим захотиёқ унинг эшикчаси дарҳол очила қолди, — дейди улардан бири, ўша воқеани ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эслаб. — Шундоқ рўпарамизда жилмайганча опанинг ўзлари турардилар. Қўлларидан бир қучоқ гул. Янаям эсанкираб-довдираб қолдик. Бизни атай кутаётгандек эдилар-да! «Келинлар, — дедилар Ҳалима опа дилга таскин берувчи босиқ овозда, — мен ҳам ҳозиргина халқ ҳўжалиги институтидан, адабий учрашувдан қайтудим, қаранглар, бирга борсак бўларкан».

### СОҒИНЧ

Шундай деб, Ҳалима опа бизни ичкарига ундаганча кучоқларидаги гуллардан битта-битта гўлдаста чиқариб бера бошладилар. Ҳаммага етиб, ортиб ҳам қолди. Ўша кунга устоздан ҳаёт, жамият, адабиёт ҳақида, ижодкор виждо, ва масъулияти тўғрисида бир умр ёдда қоладиган сўзлар эшитдик. Мақтабда ўқиб юрган кезларида вилоят газетасида чоп этилган шеърлари Сирдарёга хизмат сафари билан борган Шароф Рашидовнинг назарига тушиб қолгани, у киши вилоят раҳбарларига, "шу қизчага эътибор беринглар, у ўқийча бориши керак, ота-онаси билан гаплашинглар", деганларига эслаб, у маҳалларда қишлоқларда қизларни шаҳарга қўшига юборавермасликларини айтган эдилар.

Ҳалима Худойбердиева иқтидорли ижодкор эканигидан ташқари, бир мўдат маъсулияти раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб, муқаддас биткиларда қайд этилгани каби одамларни тўғри йўлга бошлаш учун, аввало, фаҳм-фаросатлилик, ҳушмуомалалик, ҳалоллик, собатқадамлилик ва илмга чанқоқлик кераклигини нуутмади. Қаерда бўлмасин, туркилик, фидойилик, жасорат сингари фазилатлар шоира табиатининг мағз-мағзига сингир кетганини адабий давраларда эътироф этишади.

Давлатимиз раҳбарининг адабиётга, китобга ижобий муносабатда бўлиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари, бу борада амалга оширила бошлаган хайрли саъй-ҳаракатлар Ҳалима Худойбердиевага янгича куч-ғайрат бағишлади. Жамиятимиз ҳаётга кириб кела бошлаган тоза ҳаво, тоза нафас унинг Шахс ва Ижодкор

сифатида йиллар давомида чеккан изтиробларини, ранж ва аламларини ортага чекинтирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кунини мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу

**"Ҳалима бугун шеърларида ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб қолди. Унинг шеърларида ҳаёт фожиалари, драмалари билан ифодаланса-да, мардонавор руҳини йўқотган эмас. Ҳалиманинг шеърини бизни бедорликка чиқаради, виждонимизни уйғотади. Вужудимиздан лоқайдлик балосини сиқиб чиқаришга ёрдам беради".**

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони.

борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар ҳақида атрафлича фикр алмашди.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева бу тадбирда сўз олиб, адабиётнинг жамият ҳаётида тугган ўрни ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Бу нуфузли анжумандан сўнг давлатимиз раҳбари истаган ва кутган, Ўзбекистон хотин-қизлари минбарига айланган "Дугоналар" журнали нашр этилишига бош-қош бўлиб, унинг дунё юзини кўриши учун астойдил ҳаракат қилди. Зеро, Президентимизнинг "Аёлни, онани рози қилсак ҳамма ишларимиз яхши бўлади!" деган эзгу ғояси ўзини ҳам тўлқинлантириб юборганини, буни

рўёбга чиқариш учун биргаликда ҳаракат лозимлигини Ҳалима опа тез-тез тилга олиб, буни ҳаётга татиёқ этишининг йўл-йўриқлари ҳақида ўйларди, яқинлари билан машваратлар ўтказарди.

Ўз халқини юрак-юракдан севган, унинг қувончу шодлиқларига ҳам, қайғу-ғамларига ҳам шу боис парвосиз бўла олмаган ёниқ қалб шоира Ҳалима Худойбердиева мураккаб кечган ҳаётининг ёрқин лаҳзалари яна изига тушиб, шижоату илҳоми жўш ураётганида бу ҳаётни тарқ этди. У ўзига ижодий қувват, илҳом бағишловчи шоирлар орасида, айниқса, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўзгача эъвозларди.

Мавлононинг қамолот касб этганларнинг ҳаёти ҳақида нафис йўлида ҳасдек тўзиб кетганлар умрига нисбатан мангу ва унутилмас экани, шу сабабли халқ қалбига абадий яшаши ҳақида илгари сурган қарашлари миллат шоирасининг ҳам қисматиға эврилиб бораётгандек туюлади:

**Агар ўласам, мени асло қаро тупроқдан ахтарманг, Яшармен аҳли ориф кўнглини макон айлаб.**

Ҳақиқатан ҳам, энди шоира унинг мўъжизавий сатрларидан сув ичган шеър аҳли, шоғирдлари, мухлислари кўнгли-

лари билан вобаста яратувчилик қўшигини қўйлаётганига шубҳа йўқ. У ўзи ҳаммиша баркамол кўришини истаган миллатдошларининг тақдири билан пайвандлашиб кетгани айрилиқдан ғамбодда дилларга таскин-тасали бахш эта олади. Бутун ижодида бўлгани каби "Даъват" деб номланган шеърда юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан ҳайкирик шоиранинг Ватан тақдири, элу юрт қисматидан ҳеч қачон узоклашмаганини, буюк обоболаримиз таълимотларида айтилгани каби тил ва дил бирлиги юксакликларидан сергак нигоҳ ташлаб турганини намоён этади.

**Кундуз юриб ёзим, тун туриб ёзим, Ёзданда кўксима тиз уриб ёзим. Дардарима сиёқ қор қилмай қолгач, Қаламни қонимга ботириб ёзим.**

**Қон асли ёруғлик. Ёруғдан, тиз чўк, Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар. Қанча қоним бўлса — Ватан учун тўк, Қанча шоиним бўлса — Ватанини кўтар!**

— Шу кунларга етиб, шу кунларни кўриб кетганларини ўйлаганимизда, айрилиқнинг аламли тағтига сув сепилгандек бўлади, — дейишади оила аъзолари шоиранинг бир қучоқ гул тўқиб турган суратига боққанча. — Ахир "бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор"... Ёруғ аъмол, абадиятга дахлдор ижод



**"Ҳалима Худойбердиеванинг шеърларидаги ватанпарварлик жонфидолик, мардонаворлик маъносига уйқаш. Шеър руҳи лаҳзада сизни забт этади. Эҳтиросларинг гулваб, тошиб келган оқими қаърига тортиб кетади".**

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони.

соҳибсининг курашларга тўла ҳаёти нафақат яқинлари, балки ўзбек халқи учун ибрат намунаси сифатида қалбларда абадий яшайди. У шоғирдларига пешво чикқани каби ўз халқига ҳақиқий ижодкор сифатида бугун ўз шеърлари, қолдирган бой ижодий мероси билан бир қучоқ сўнмас гулларни тақдим этиб турибди. Бу гулларнинг ифорида баҳраманд бўлганлар эса саховатли қалб ва юксак истеъдод ҳеч қачон завогилмаслигига, Сўз мангулигига, Эзгулик боқийлигига, Адабиёт ўлмаслигига ишонч ҳосил қилишади.

Азим тоғлар ортидан она юртининг тиниқ осмонига яна кўёш кўтарилиб келганида, унинг ҳар зарраси ўз шоирининг номини вафқ этади. Юксак қоялар бағридан тошдан-тошга урилиб оққан тоғ жилғаларининг ҳар қатраси ўз шоирининг номини қўйлади. Яна баҳорлар келади, олча гуллари саррин елларда ўз шоирининг табаррук номини атру ифорларга буркаб, оламга сочади.

Шойим БЎТАЕВ («Халқ сўзи»).

### Ташаббус

## МЎЙНОҚҚА САКСОВУЛ УРУФИ ЖЎНАТИЛДИ

— Саксовул қишлоғимизни кум кўчиликларидан асрайди, — дейди теварак-атрофи саксовулзор билан қопланган қадимий Қоқшувон қишлоқида истиқомат қилувчи ота-она Фатилло Саъдиев. — Хавони мўътадил сақлайди. Шу боисдан чўлга саксовул экишни қанда қилмаймиз.

Мўйноқда, Орол денгизининг қуриган қисмида саксовулзорлар барпо этилаётганидан хабар топган қоқшувонликлар бу ўсимликнинг уруғини тўплаганча киришди-лар. Ромитандаги экология-иختисослаштирилган 11-мактаб-интернат жамоаси ҳам улар сафига қўшилди. Экохаракатнинг Бухоро вилояти худудий бўлими ташаббусни қўллаб-қувватлади.

"Орол муаммосини биргаликда ҳал этамиз!" ширини остида ўтган бу ўзига хос акция давомида тўпланган 200 килограммга яқин саксовул уруғи Мўйноққа жўнатилди. Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Ўзловлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" напирет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ю. Бўронов.  
Навбатчи — Д. Каримов.  
Муҳасҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" напирет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 04.15 Топпиридли — 05.25 1 2 3 4 5 6